

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАБУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида ўзининг юксак азму шижоати, билим ва салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини намойиш этиб, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан Янги Ўзбекистон тараққиётига, унинг шон-шухратини жаҳон миқёсида янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, эл-юртимизга меҳр ва садоқати, намунали хулқ ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак бўлиб келётган кўлидаги ташаббускор ва етакчи ёшларимиз «Келажак бунёдкори» медали билан мукофотлансин:

Куянишбаева Гулайим Махамбетали кизи - Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич талабаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сржагидинов Аманбай Конисбай ули - Нукус шаҳридаги «Real Innovatsiya NKS» нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Турдалиев Сардорбек Шерали ўғли - Балиқчи туманидаги «Academy IT Star» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Хайтахматова Дилнавоз Алижон кизи - Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2-босқич талабаси, Андижон вилояти

Облокулова Дилафруз Шухрат кизи - Бухоро вилояти маданият бошқармасининг рақамлаштириш ва матбуот хизмати бўйича бош мутахассиси

Остовов Огабек Ўлмас ўғли - Жондор туманидаги «Шариф Нафосат» масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси, Бухоро вилояти

Сатторов Элбек Холиқул ўғли -

Бахмал туманидаги «Аззам Элбекович» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Хошимова Шахло Улуғбек кизи - Жиззах политехника институтининг кишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш кафедраси ассистенти, Жиззах вилояти

Пардаев Улмасжон Довурпулат ўғли - Муборак тумани «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Қашқадарё вилояти

Хўжаева Роҳилабону Саидусмон кизи - «Uzbekistan GTL» масъулияти чекланган жамиятининг марказий лабораторияси лаборанти, Қашқадарё вилояти

Бафоев Шерзод Ихтиёр ўғли - Қонимех туманидаги «Боймурод» оилавий шифокорлик пункти шифокори, Навоий вилояти

Саидова Севинч Асатилло кизи - «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси кран машинисти, Навоий вилояти

Набинова Мастураҳон Иброҳимжон кизи - Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Наманган давлат педагогика институтидagi бошланғич таълим устаси, Наманган вилояти

Хусанов Мухаммадали Алишер ўғли - Уйчи туманидаги «Sanlituz» масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси, Наманган вилояти

Аноров Боҳодир Қобилжон ўғли - Пайарик туманидаги 84-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Шодиева Малина Нуралиевна - Самарқанд шаҳридаги Регистон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш дирекцияси гид-экскурсоводи, Самарқанд вилояти

Ортиқбоева Хилола Ғулумжон кизи - Кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Сирдарё вилояти

Турдиқулов Исломо Хайитбой ўғли - Тошкент кимё-технология институтининг Янгиер филиали кимё-технологиялар кафедраси доценти, Сирдарё вилояти

Ашурова Мафтуна Ортиқ кизи - Денов тадбиркорлик ва педагогика институтининг рақамли иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Худойбердиев Шаҳзод Фарҳодович - Шўрчи тумани ёшлар ишлари бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Ғофурова Динора Алишер кизи - «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон» локомотив депоси «Afrosiyob» юқори тезкор электрпоезди машинисти ёрдამчиси, Тошкент вилояти

Раҳматуллаев Фарҳоджон Рустамжон ўғли - Қуйи Чирчиқ туманидаги «Sofia Tigaret» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Хасанов Хайитбой Хисенжонович - Сўх тумани «Сариканда» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Фарғона вилояти

Холиқова Гулрайно Юлчибой кизи - Риштон туманидаги «Холиқов Йўлчибой» фермер хўжалиғи бошлиғи, Фарғона вилояти

Оллаберганова Муяссархон Давлатбой кизи - Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали 1-босқич магистранти, Хоразм вилояти

Юлдошев Усмонбек Умарбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2024 йил 27 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

«МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишловларда алоҳида фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва қобилияти, интилувчанлиги, ташаббускорлиги ва самарали меҳнати билан юртимиз тараққиётини юксалтириш, эсонлик Ватанимизнинг ҳалқаро миқёсидаги нуфузиди янада оширишга муносиб ҳисса қўшиб келётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт иш-тиқболлари учун масъулиятни ўзининг зиммасига олинган қўйиб бўлмаган ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини хузурдаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йиғитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилушчи органларидаги фаолияти билан эришган ютуқлари кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

2. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ютуқлари билан таълим, тиббиёт, маданият, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилушчи органларидаги фаолияти билан эришган ютуқлари кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳуқуқидagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноиб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси Ф.Ф.Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 27 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 27 июндаги ПК-236-сон қарорига илова

«Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Аймуратов Муса Татлимурат ули - Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Иўлдошев Аббос Баҳром ўғли - Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали 3-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Қобулов Бахтиёржон Ортиқбой ўғли - Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасининг Божхона институти 4-босқич курсанти (Андижон вилояти)

Самандаров Нуриддин Махамматжон ўғли - Андижон давлат университетининг 4-босқич талабаси (Андижон вилояти)

Отамуродов Нурмухаммад Шухрат ўғли - Олот туманидаги ихтисослаштирилган мактабнинг 11-синф ўқувчиси (Бухоро вилояти)

Қосимов Жасур Тохирович - «Хўнарманд» уюшмасининг Бухоро вилояти бошқармаси аъзоси, қандақор уста (Бухоро вилояти)

Мўминов Шаҳбоз Ахмадқул ўғли - Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси (Жиззах вилояти)

Рўзиқулов Дилшод Шухрат ўғли - Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг медиа назарияси ва амалиёти кафедраси доценти (Жиззах вилояти)

Жураев Сухробжон Саломхон ўғли - Шаҳрисабз давлат педагогика институтининг информатика ва уни ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси (Кашқадарё вилояти)

Нурматов Мироншоҳ Нуриддин ўғли - Қосон туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси (Кашқадарё вилояти)

Суюнов Шохруҳ Лазижон ўғли - Тошкент шаҳридаги «Suyunov Art Studio» ўқув маркази раҳбари (Навоий вилояти)

Уктамов Шохруҳ Рустам ўғли - Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими (Навоий вилояти)

Юсупов Жасурбек Муратбекович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазибаларининг ҳарбий қисми ўқувчи-штурмани (Наманган вилояти)

Урунов Асадбек Давлатали ўғли - Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Элмуратов Шаҳзод Ҳамза ўғли - Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Сурхондарё вилояти бўйича бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири (Самарқанд вилояти)

Арзиқулов Фазилдин Фахриддин ўғли - Тошкент давлат техника университетининг 2-босқич магистранти (Самарқанд вилояти)

Валижонов Азизбек Фарход ўғли - Тошкент тиббиёт академиясининг 6-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Қулболаев Асадулло Комил ўғли - Боев туманидаги 1-спорт мактабининг жанг санъати бўйича мураббийси (Сирдарё вилояти)

Бобоев Наби Тохир ўғли - Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг катта ўқитувчиси (Сурхондарё вилояти)

Исломов Иномжон Умиджон ўғли - Шўрчи туманидаги 125-қўзи оғиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси (Сурхондарё вилояти)

Гулиев Артур Марленович - Байдарка ва каноода давлат эшиги бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси (Тошкент вилояти)

Сапаров Жавахирбек Хикматжон ўғли - Тошкент вилояти Фавкуллада вазибалар бошқармасининг ёнғин-қутқарув қисми кутқарувчи-ёнғин ўқитувчиси (Тошкент вилояти)

Махмудов Содиржон Абдуллоқул ўғли - Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Четгара қўшинлари ҳарбий хизматчиси (Фарғона вилояти)

Улмасов Аҳаджон Акрамжон ўғли - Фарғона политехника институтининг таянч докторанти (Фарғона вилояти)

Сабиров Азизбек Давронбекович - Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг 4-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

Иўлдошев Огабек Нейматжон ўғли - Хива шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Хоразм вилояти)

Назаров Азизбек Фаррух ўғли - Тошкент тиббиёт академиясининг 1-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

Свечников Владимир Александрович - Уқ отиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси (Тошкент шаҳри)

30 июнь – Ёшлар кунини



Кувончбек Тўраев олган сурат

Ўзбекистон касабалар уюшмалари ёшлари:

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК!

Бугун ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу-мақсадларини рўйбега чиқариш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўтган қисқа даврда ушбу йўналишда 100 дан ортиқ қонун ҳужжатини қабул қилиниб, амалиётга изчил татбиқ этилаётгани бунинг яққол исботидир.

Ёшлар ҳаётини тубдан ўзгартиришга хизмат қилаётган

ана шундай эзгу ишларда Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Минглаб иқтидорли ёш кадрлар бугун ушбу соҳада муносиб меҳнат қилмоқда. Газетанинг 2-, 3-саҳифаларида касабалар уюшмалари ёшлари фаолиятдан ҳикоя қилинади.

>>> 2-3



ИМТИЁЗЛАР ВА АФЗАЛЛИКЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгаши таълим ва маънавият бўлимида ишловчи ёшлар билан учрашув ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Бахтиёр Жўраев ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда касабаси уюшмалари томонидан амалга оширилаётган тадбирларга эътибор қаратди. Ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Уларга касабаси уюшмаларининг имтиёзлари, афзалликлари ҳақида сўзлаб берди.

Шунингдек, кенгашнинг меҳнат ҳуқуқи инспектори Шамсиддин Сатторов Меҳнат кодексига ўзгаришлар, жамоа шартномаси ва келишувларнинг ҳодим фаолиятидаги муҳим ўрни, ёшларга муносиб меҳнат шартлари яратиш борасида иш берувчи ва касабаси уюшмасининг мажбуриятлари хусусида шарҳ берди.

Севара ИСМОИЛОВА,
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

* * *

СЕНАТОР ЁШЛАР ҲУЗУРИДА

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Нукус филиалида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси Улуғбек Жалменов талабалар билан учрашди.

«Сенатор ва ёшлар» учрашувида меҳмон сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг деярли 60 фоизидан ортигини ташкил этувчи ёшлар учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар, айниқса, уларнинг сифатли ва замонавий таълим олиши, эзгу мақсадларини рўйга чиқариш борасидаги ислохотлар ва амалий ишлар ҳақида кенг тўхталди.

Мулоқот давомида парламент ҳаёти ҳақида маълумотлар бериб ўтилди.

Фотима АБДУРАЙИМОВА
«ISHONCH»

* * *

ТАЛАБАЛАР КОРХОНАДА

30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан Хоразм вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари уюштирилмоқда.

Урганч РАНЧ технологиялар университети талабалари иштирокида «Феруз – Хоразм» МЧЖда ташкил этилган мулоқот самимий руҳда кечди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Бахтиёр Исмоилов йиғилганларга касабаси уюшмалари томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб берилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб берди.

Талабалар МЧЖ цехларида бўлиб, ишчи-хизматчиларга яратилган шартнослар, ишлаб чиқариш жараёни билан танишилди. Корхонада асосан Мудофаа вазирлиги буюртмаси асосида ҳарбий либослар тикилади. Шунингдек, трикотаж маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилди. Бу ердаги 100 нафар ходимнинг аксарияти ёшлар. Фаол ишчилар кўшимча рағбатланганлигида. Бепул кийим-бош ва тушлик ташкил қилинган. Бундан ташқари, ишчиларнинг фарзандлари корхона қошидаги мактабга таълим ташкилотига имтиёзли қабул қилинади.

Талабалар ходимлар билан мулоқот давомида ўзларини қизиқтирган қўллаб-қувватлаш жавоб олдилар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Урганч РАНЧ технологиялар университети Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси тасарруфига янги қабул қилинган бўлиб, тармок касабаси уюшмаси томонидан аъзоларни қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилмоқда.

Қамолддин РЎЗМЕТОВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши раиси



ЁШ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА СОҒЛОМ ПЕДАГОГЛАРГА ҲАМИША ЭҲТИЁЖ БОР

Жамил ЯРАТОВ,
Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси:



– Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан таълим тизимини ислоҳ қилиш, жамиятда педагог касбининг нуфузини ошириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси тизимида 18 минг 227 та бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотлари бўлиб, унда 1 миллион 800 минг нафардан ортиқ аъзо бор. Шундан 800 минг нафардан ортигини ёш ходимлар ташкил этади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда спортни ривожлантириш, аҳолининг барча қатламларини унга жалб қилиш юзасидан қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада, айниқса, беш ташаббус доирасида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг ўрни катта.

Касабаси уюшмаси ташкилотлари томонидан йил давомида ёш ходимлар иштирокида «Спорт – мустақам оиламиз пойдевори» оилавий ҳамда жамоавий спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Голуб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар, медал ва дипломлар, шунингдек, энг яхши натижа кўрсатган туман (шаҳар) жамоасига Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг кубоги ва 30 миллион сўм пул мукофотлари топширилмоқда.

Ёш меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишларимизнинг ҳам салмоғи катта.

Хусусан, ўтган ярим йилликда икки ёшдан уч ёшгача бола парварши учун таътилда бўлган 769 нафар ёш онага 275 миллион 933 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Тармок ташкилотларида кам таъминланган, бokuвчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харожатларини қисман қоплаш мақсадида 870 та ташкилотдаги 1 минг 176 нафар ходимга 218 миллион 124 минг сўм маблағ сарфланди.

Мухтасар айтаёнда, ўқитувчи ва мураббийлар бизнинг фахримиз. Улар қанча қўллаб-қувватланса, шунча яхши. Зотан, келажак тақдири уларнинг қўлида.

Истеъдод юзага чиқиши, салоҳият намоён бўлиши учун муайян шартнослар ва имконият зарур. Мамлакатимизда ёшларга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик натижаси ўлароқ, бугунги кунда ўзининг қобилияти, салоҳияти билан жаҳон илм-фани, маданият, санъат ва спорт оламига дадил кириб бораётган ёшларимиз оз эмас.

ИҚТИДОРЛИЛАРНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАБ...

Иқтидорлиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу-интилишларини қаноатлантириш жамоат ташкилотлари бўлиши

касабаси уюшмаларининг ҳам долзарб вазифасига айланган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ёш ходимлари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари билан очик мулоқотлар ўтказиб, долзарб аҳамиятга эга масалалар таҳлил қилинди. Бундай мулоқотларда ўн мингдан ортиқ ёшлар иштироки таъминланди.

Шунингдек, тармок келишувлари, жамоа шартномаларини ишлаб чиқишда ёшлар вакиллари фаоллигига эришиб, келишув ва шартномаларга ёшлар учун кўшимча имтиёз ва кафолатлар киритилди. Бундан ташқари, 60 га яқин ташкилотнинг жамоа шартномаларида ёшларга берилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар ижроси таҳлил қилинди.

«Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили» давлат дастури доирасида 849 та корхонада касабаси уюшмаси қўмитаси ва иш берувчи ўртасида имзоланган жамоа шартномасига мувофиқ кам таъминланган 1919 та ёш оила вакилларига 584,9 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юрларида таҳсил ола-

Сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан жамоа шартномалари орқали иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 15 нафар ёш ходимга 66,1 сўмлик, уй-жой қуриши ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун 34 нафар ёш оилага 217,9 сўмлик фондизсиз ссудалар ажратилди.

Ўзбекистон касабаси

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ

Таассурот

ТАРИХ БИЛАН ТАНИШУВ

«Ёшлар ойлиги» доирасида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган бир гуруҳ ёшлар учун Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ҳамда Ўзбекистон касабаси уюшмалари тарихи музейига саёҳат ташкил этилди.



чеки йўқ, – дейди «Ўзбек-қўмир» АЖ ёшлар етакчиси Даврон Абдурахмонов. – Айниқса, академиядаги замонавий шартнослар, музейдаги ҳар бир тарихий ҳужжат касабаси уюшмаси тизимининг шу кунга қадар босиб ўтган йўли ҳақидаги фактлар жуда қизиқarli бўлди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Дастлаб Федерация қошидаги Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида иштирокчиларга таълим муассасасидаги муҳит, ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар ва бир қатор қўлайликлар билан таништирилди. Академия биносини ичкари ва ташқарисидаги муҳитни кўздан кечирган ёшларга проректор Азим Мирзажонов батафсил маълумотлар берди. Шунингдек, қабул жараёни, имтиҳонлар ва таълим олишга оид барча савол-

ларга жавоблар берилди. Саёҳат Ўзбекистон касабаси уюшмалари тарихи музейида давом эттирилди. Иштирокчиларга ҳамроҳлик қилган музей ходими М.Аҳмедова касабаси уюшмаларининг пайдо бўлиши, меҳнаткашлар иштирокида турли тармоқларнинг вужудга келиши, касабаси уюшмасининг етакчи раҳбарлари ҳамда тизимнинг ўтган йиллар давомидаги ривожига ҳақида қизиқarli маълумотларни тақдим этди.

– Таассуротларимнинг



ИСТИҚБОЛИМИЗ ЁРУҒ БЎЛАЖАК

Фотима БОБОҚУЛОВА,
Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси:



– Ёшлар – жамиятнинг эртаси, том маънода, мамлакатимизнинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинасидир. Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажиги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, сервайрат ёшларни тарбиялаш эса бугуннинг долзарб масаласи. Шу боис бугун ёшларга чексиз имтиёз ва имкониятлар берилмоқда. Бу бўйича алоҳида давлат дастурлари қабул қилинмоқда, қарор ва фармонлар имзоланмоқда.

Касабаси уюшмалари ҳам ўз ваколати доирасида турли ташкилот ва корхоналарда меҳнат қилаётган ий-гит-қизлар учун муносиб шартносларни яратиб беришда эътибор берилади. Хусусан, уларнинг касбий маҳоратини янада ошириш мақсадида доимий равишда ўқув-семинарлар ташкил этиб келинмоқда.

Моддий-маънавий, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган ишларимизга алоҳида тўхталиб ўтиришга ҳоajat йўқ, назаримда.

Одамлар орасида «Сенинг бўй вақтин, душманнинг иш вақти», деган ибора бор. Ҳозирги таҳликали замон нуқтаи назардан қараганда, ушбу гапда катта ҳақиқат мужассам. Чунончи, ҳар қандай иллатнинг ортида бекорчилик ётади. Вақтни ганимат билиб, ундан унумли фойдаланган шахснинг эса ҳақиқати юзи ёруғ, йўли раvon бўлади. Бунинг учун ижтимоий объектлар, кўнгулочлар масканларнинг ҳам аҳамияти жуда катта.

Биргина мисол. Яқинда Энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда ёшлар форуми ўтказилди. Форум доирасида Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди. Назаримда, ушбу маскан шу ерлик ёшлар учун муносиб туҳфа бўлди.

Замонавий архитектура талаблари асосида бунёд этилган марказда ёшлар голя ва ташаббуслари билан ўртоқлашиши, истеъдодини намоён этиши, билим олиши, умуман, ўзаро тажриба алмашиши, муҳокамалар ўтказиши учун барча қўлайликлар яратилган.

Бугунги жараёнларнинг бевоёсита иштирокчиси сифатида айтадиган бўлсам, берилган имкониятлардан тўғри фойдаланишиб, юксак марраларни забт этаётган ёшлар бор экан, келажакимиз, албатта, ёруғ бўлади.

уюшмалари ёшлари:

Йўлида БИРЛАШАЙЛИК!

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРЛАРИ

Нилуфар ҲАСАНОВА,
Агросаноат мажмуи
ходимлари касба уюшмаси
Республика кенгаши раисининг
ёшлар масалалари бўйича
маслаҳатчиси:



Мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, кейинги йиллар давомида Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси тармоғида иш берувчилар билан тузиладиган жамоа шартномаларига бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шунингдек, турли касб-хунар мактабларида, академик лицейларда, олий ўқув юртиларида тахсил олаётган ўғил-қизлар ўртасида билим синовлари ва бошқа танловларнинг ўтказилиши, ғолибларни муносиб рағбатлантирилиши аниқ муддао бўлмоқда.

Бундан ташқари, бевосита касба уюшмалари фаолларининг аралашуви билан барча вилоятлар бўйича бир неча минглаб ёш оилаларга турли даражада моддий ёрдамлар кўрсатилди. Аёллар учун ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган иш соатлари қатъий белгилаб қўйилди. Ўғил болалар учун ҳарбий хизматга бориш харажатларини тўлаш мақсадида ссудалар ажратилди. Уй-жой қуриш ёки таъмирлаш, маиший техника сотиб олиш истагида бўлганларга ҳам моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Бу борадаги ишларни келгуси фаолиятимизда ҳам давом эттирамиз.

– Юртимизда эртамиз эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга барча зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш борасида мустақам ҳуқуқий пойдевор яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллашиб бормоқда. Бинобарин, аҳолисининг ярмидан кўпроғи ёшлардан иборат бўлган мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, комил шахс сифатида тарбиялаш муҳим масала.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ёшлар сиёсати борасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Жараён

Ҳозир Андижон вилоятидаги 2600 тага яқин бошланғич ташилотда 430 минг нафарга яқин ишчи-ходим меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 158 минг нафардан зиёди ёшлардан иборат. Бу эса ходимлар умумий сонининг 37 фоизини ташкил этади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши Ёшлар бирлашмаси томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

УЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА



Корхоналарда имзоланаётган жамоа шартномаларига киритилган «Ёшлар учун қўшимча кафолатлар» бўлими янада бойитилди, бажарилиши таҳлил этиб борилди. Жумладан, ёшларга имтиёзлар бериш, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, олий ва ўрта махсус ўқув юртилари битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши ва иш жойида қўшимчилигини назоратга олиш, ёш ходимларга фойзсиз ссудалар бериш, талабалар учун корхоналар томонидан контракт пулларини қоплаш, ёшларни корхонада етарли тажриба ва обрўга эга бўлган ходимларга бириктириш, шунингдек, ХМТ конвенцияларига риоя этилишини таъминлаш каби бандлар акс эттирилди. Киритилган имтиёзлар орқали ишга қабул қилинган битирувчилар билан меҳнат шартномалари тузилмоқда.

Жамоа келишувлари ва шартномаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш комиссияси таркибига ёшлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича эксперт киритилган бўлиб,

биргина ўтган йилда Ёшлар бирлашмаси имзоланаётган 36 та жамоа келишуви лойиҳасини экспертиза қилишда иштирок этди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида жамоа келишувлари ва шартномалар орқали 28 та ёш оиллага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун фойзсиз ссудалар берилди. Олий ўқув юртиларида тахсил олаётган 26 нафар талаба шартнома пулининг бир қисми қопланди. 15 нафар ходимга сафарбарлик захирасидаги харбий хизматга чақирилиши муносабати билан 69 млн. сўм фойзсиз ссудалар ажратилди. 697 та корхонада 1 минг 85 нафар кам таъминланган ёш оила вакилларига моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Иш берувчилар ҳамда кенг жамоатчилик эътиборини меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишга қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, ёш мутахассисларнинг иқти-

дорларини қўллаб-қувватлаш орқали интеллектуал салоҳиятларини янада ривожлантириш мақсадида «Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» танлови ташкил этилди. Унда соҳадаги кўплаб иқтидорли ёшлар иштироки таъминланиб, ғолиблар диплом ва совғалар билан рағбатлантирилди.

Июнь ойи давомида барча ҳудудларда «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шiori остида «Ёшлар ойлиги» доирасида қатор лойиҳалар, интеллектуал танловлар, учрашувлар, спорт мусобақалари ҳамда гала концертлар ўтказилмоқда. Ойлиқда касба уюшмалари ташилотларининг фаол иштирокчини таъминлаш мақсадида «Заковат» интеллектуал ўйини, ҳудудий Федерациянинг вилоят кенгаши раиси кубоғи учун эркаклар ўртасида тармоқларо мини-футбол мусобақаси ҳамда ёшлар ўртасида экологик маданиятни ривожлантириш мақсадида «Экотуризм» акцияси ташкил этилиб, Кўкчи шаҳрига ёшлар саёҳати ташкил этилди.

Шунингдек, ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини, ҳуқуқий маданиятини оширишга йўналтирилган ўқувлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ҳам уюштирилди. Хусусан, Андижон давлат университети, «UzAvtoMotors» АЖ, «Uz-Tong Xong Ko» МЧЖ, «Avto Climate Control» МЧЖ, Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти, Булоқбоши тумани «Ватанпарвар» ташкилоти каби корхона ва муассасаларда ёш ходимлар учун ёшларнинг меҳнат қонунийлигига оид ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ташкил этилди.

Бундан ташқари, Хўжабод туманидаги «Бешкарам» маҳалласида яшовчи 21 нафар қизил тоифадаги йигит-қиз оталиққа олинди, вилоят кенгаши раиси Қодиржон Парпиев раҳбарлигида маҳалла ёшлар етакчиси билан биргаликда мулоқотлар ўтказиб борилмоқда. Бу жараёнда Федерациянинг вилоят кенгаши томонидан ногиронлиги мавжуд Шахло Нейматиллаева ҳамда Малухат Нурматовга тикув машиналари улашди. Ёшлардан 1 нафарига ИТ соҳаси бўйича ўқиши учун ноутбук олиб берилди, 1 нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди, 3 нафарининг олий ўқув юртиларида ўқиши учун контракт пуллари тўлаб берилди.

Нозимжон МАМАЖОНОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Тадбир



ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ БЎЛДИ

30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши «Раҳбар ва ёшлар» учрашувини уюштирди. Унда ташилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ёш ходимлар, олий таълим муассасалари талабалари қатнашди.

Айтиш жоизки, ёшларни қўллаб-қувватлаш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш, муаммоларини ҳал этиш бўйича кўплаб учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Бу жараёнларда вилоят кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев мавжуд жамоа шартномалари орқали ёшларга кўплаб имтиёзлар берилаётганига алоҳида тўхталяпти.

Бугунги кунда Фарғона вилоятидаги меҳнат жамоаларида 600 мингга яқин ишчи-ходим касба уюшмаларига аъзо. Шундан 202 мингдан ортигини ёш ишчи-ходимлар ва олий таълим муассасалари талабалари ташкил этади. Шу боис ёшлар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинлари, маънавий-маърифий ва спорт мусобақалари ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда. Ташаббускор ва фаол йигит-қизлар сўзга чиқиб, корхона ва муассасаларда ёшларга оид давлат сиёсати бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр билдириб, ўз таклифларини ўртага ташлашди.

– Ҳақиқатан ҳам ёшлар учун кенг шароитлар яратилган. Шахсан ўзим айна пайтда ҳам олий таълим даргоҳида ўқиб, ҳам ишлабман, – дейди Кўкчи шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлими методисти Азизахон Аҳмедова. – Айтиш мумкинки, бугунги тадбир биз учун ҳар тарафлама фойдали бўлди.

Самимий ва кўтаринки руҳда ўтказилган учрашувда фаол ёшларга китоблар тўплами тўхфа этилди. Шу билан бирга, шижоатли ёшларнинг 50 нафари уч кунга Тошкентга саёҳатга юбориладиган бўлди.

Шоҳсултон ТЎХТАМАТОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



«ҒАМХЎРЛИККА МУНОСИБ ЖАВОБ ҚАЙТАРАМИЗ»

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан олий таълим муассасаларида тахсил олаётган фаол ёшларга касба уюшмаси стипендияси ҳамда етакчи ёшлар учун санаторийларга бепул йўлланмалар ажратилганидан хабарингиз бор, албатта.

Кўплаб ўғил-қизлар мана шу имкониятлардан фойдаланиб, қай бирлари касба уюшмаси стипендианти, бўлишди, яна бошқалари санаторийларга бепул йўлланмаларни қўлга киритишди. Бундай ёшлар орасида Наманган давлат университети талабаси Нозимбек Остонаев ҳамда Наманган педагогика институти талабаси Дилрабо Шарофидинова ҳам бор.

Нозимбек 2022 йилда тўлов-шартнома асосида Наманган давлат университетига ўқишга қабул қилинди. Жамоат ишларида фаол йигит ҳасталиқдан кўп азият чекарди, буни ён-атрофдагилар, оиласидогилар ҳам яхши билишарди. Суяк емирилиши ҳасталиғи билан бир неча йилдан буён шифокорлар назоратида тургани, қолаверса, оилавий шароити инobatга олинди, Нозимбекка санаторийда даволаниш учун йўлланма тақдим этилди.

– Касба уюшмаларининг бу ғамхўрлигидан миннатдорман, – дейди Нозимбек Остонаев. – Бу ғамхўрлик менда яшашга, бошқаларга ҳам яхшилик қилишга кучли умид уйғотди. Ҳозир талабаман, келгуси ҳайрли ишининг бошида турган яхши инсонларнинг яхшичилигига, албатта, муносиб жавоб қайтаришга ҳаракат қиламан.

Касба уюшмаларининг ана шундай эътирофи сазовор бўлган Дилрабо Шарофидинова ҳам институтнинг фаол ёшлари сирасига киради. У ўтган йили касба уюшмаси стипендианти бўлди. Бу виси ва бобоси қарамоғида бўлган, оилавий шароити кам таъминланган бўйича рўйхатда турадиган талаба қизга касба уюшмаларининг кўмаги аниқ муддао бўлди, албатта.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, таълим муассасаси ва ижтимоий ҳаётда фаол бўлган талаба ёшларни қўллаб-қувватлаётган касба уюшмаларининг бу каби хайрли ишлари эса кун сайин кўпайиб бормоқда.

Алимардон ТЎХТАНАЗАРОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

КЎПДАН-КЎП РАҲМАТ!

Мен Чирчиқ давлат педагогика университети мактабгача таълим факультетида таълим оламан. Яқинда 2-босқични аяқлаб, 3-босқичга ўтдим. Илм олиш ва тил ўрганишга иштиёқим жуда баланд.

Оилада онам иккимиз яшаймиз. Оилавий харажатлар, шартнома асосида таълим олганим учун қўшимча тил тўғрақларига қатнашга ва компьютер олишга шароитимиз йўқ эди. Ана шу истаклар оғушида юганимда менга Ўзбекистон касба уюшмаларидан стипендия ажратилди.

Тўғриси, бу ҳақда айтишганида унчалик ишонмадим ҳам... Аммо олий таълим муассасаси касба уюшмаси раиси Дониёр ака менга қўнғирок қилиб, Тошкент вилояти касба уюшмалари кенгашига боришим кераклигини ва у ерда менга сертификат беришларини айтган, кўнглим жойига тушди.

Шундай қилиб, менга олти ой давомида қўшимча стипендия тўлаб берилди ва шу тўғрисида ўзим истаган тўғрақларга қатнаш имконига ҳам эга бўлдим.

Келгуси ўзим севган соҳада ишлаб, юрт ривожига ва халқ фаровонлигига йўлида хизмат қилиш ниятидаман.

Гулчехра АБДУРАСУЛОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси стипендианти



ИМКОНИАТЛАРДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР

Мирвоҳид ҲАЙДАРОВ,
Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси:



– «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун ёшлар масаласидаги ишларни амалиётга татбиқ этишда дастуриламал бўляпти.

Ҳозирги кунда Республика кенгаши таркибида 312 та бошланғич касба уюшма ташкилоти бўлиб, аъзолар сони 83 минг 235 нафарни, шундан 40 мингга яқини ёшларни ташкил этмоқда.

Шунингдек, Рақамли технологиялар вазирлиги билан Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган Тармоқ келишувига «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлими киритилиши натижасида жамоа шартномалари ҳамда ишбу бўлим киритилди. Натижада ёш мутахассислар қуйидаги имтиёзлардан фойдаланди:

1962 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оила вакилига 981 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган талабаларнинг ўқув шартнома пулини қисман тўлаш учун иш берувчилар ҳисобидан 625 миллион сўм маблағ ажратилди. 128 нафар ёш оилага уй-жой қуриши ва маиший техника харид қилиши учун 704 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Умуман олганда, соҳада амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг. Ёшлар мана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшсалар кифоя.

МЕНГА ОҚ ЙЎЛ ТИЛАНГ, УСТОЗ!

Ёхуд Эркин Воҳидовга ғойибона мактуб



Ассалому алайкум, устоз!

Мен бу мактубни сизнинг номингиздаги ижод мактаби ўқувчиси бўлганим учун эмас, балки оддий, содда-самимий қалб соҳиби эканлигингизни билувчи ва ижодингизни севувчи қиз сифатида ёзганман. Ҳар гал жилвакор, рангдор, ортиқча бўёқларсиз битилган шеър-ғазалларингизни ўқисам, ҳаётга иштиёқим янада кучаяди, фикрлашим ва дунёқарашим ижобий томонга ўзгаради. Натижада яна ва яна ёзгим, қоғоз қоралаб кўнглимни овутигим келади.

Тўғри, менга сизни ҳаётлигингизда кўриш насиб этмади, лекин сиз билан ҳаёлан тез-тез гаплашаман. Шунингдек, ижод гулшанингизга кўп қираман. Шеърларингиздаги жозоба мени ҳар сафар ўзига ром этади. Ўғитларингизни дилмига жо қилиб, қалб дафтариمنى бойитиб бораман.

Бугун мен кичик жуссаму катта орзулар билан катта йўл бошида турибман. Ҳозир сизга хат ёзяману юрагим гулпилаб уряпти. Қалбим ҳаяжондан титрайпти. Сизга ботиниб хат ёзаётганим, сиз билан ҳаёлан суҳбатлашаётганим боис сўзларим бир-бирига қовушаётгани учун узр сўрайман.

Мактубимни тугаллашим арафасида ушбу сатрларингиз ёдимга тушди:

Мана, мен Лермонтов ёшига етдим Бир шоир умрини яшадим чиндан, Қанча қоғозларнинг бошига етдим, Ва лекин Лермонтов чиқмади мenden!

Тўғри, сиз Лермонтов бўлиб яшамагандирсиз ёки унга ўхшамагандирсиз, лекин бир ҳақиқатни баралла айта оламаники, ўзбекнинг Лермонтовдан ҳам буюроққ Эркинига айландингиз! Миллатимизнинг эркин сўзли, эркин фикрли Эркин Воҳидови сифатида дунёга танилдингиз!

Мен сиздай улўф зотнинг номи берилган табаррук мактабда ўқиганимдан фахрланаман ва юртимизга фойдаси тегадиган инсон бўлишга интилам! Шу боис менга оқ йўл тиланингизни сўрайман, устоз!

Махсума НЕЪМАТОВА, ЎзЖОКУ талабаси

Боланинг бегонаси бўлмайди

Халқимиз болажон. Маҳаллада кўни-кўшни болаларигача бирдек меҳр кўрсатилади, улар учун бирдек жон куйдирилади. Шу боис «Боланинг бегонаси бўлмайди» деган нақл юради. Дунёда юз бераётган қарама-қаршилик ва воқеалар жараёнида инсонпарварлик, меҳр-оқибат ўз аҳамиятини йўқотгандек таассурот уйғотаётган оғир кунларимизда ўзбек халқи ва Ўзбекистон касабаси уюшмалари бу қадриятлар бардавом эканини яна бир бор исботлади.

Яқинда Москвадаги Cosmos City Hall концерт залида юз берган фожиа, айниқса, болаларга кучли таъсир кўрсатди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари ундан жабрланган россиялик оилалар фарзандларига ёрдам кўрсатишга аҳд қилди. Айни пайтда Тошкент вилоятидаги «Анор» болалар оромгоҳида Россиядан келган 100 нафар бола нафақат ҳордиқ чиқариб, саломатлигини мустаҳкамламоқда, балки Ўзбекистон тарихи, қадимий шаҳарлари, маданий мероси билан яқиндан танишмоқда. Уларнинг таширифт дастурига қадимий ва ҳақиқат навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат ҳам киритилган.

Самарқанд шаҳар вокзалида ўзбекнамо меҳмондўстлик аллақачон яққол намоён бўлиб, меҳмонларни Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сухроб Рафиқов, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Хусан Тўхтаев ва бошқа масъуллар кутиб олишди.

Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг бу ташаббуси инсоний қадриятларнинг ўлмаслигидан далолатдир. У тили, дини, миллатидан қатъи назар, ҳар бир инсон цивилизациянинг бир қисми эканлигини эслатиб туради, - деди Россия Мустақил касабаси уюшмалари федерацияси вакили Анастасия Анисимова. - Ўзбек халқининг инсонийлиги дунёни

ўрганаётган жажжи қалблар хотирасида абадий сақланишига ишонаман. Саёҳат доирасида «Анор» оромгоҳи меҳмонлари Самарқанд шаҳридаги меъморий обидалар, жумладан, Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, «Абадий шаҳар» сайёҳлик мажмуаси ва Мирзо Улўбег расадхонасини томоша қилишди.

Мен ҳеч қачон ўз шаҳримдан узоққа бормагандим, - дейди Василса Дмитрова. - Ўзги таътилни Ўзбекистонда ўтказишимни айтишганида, қизиқишим орти. Бундай меҳмондўст мамлакатда, юзлари нурли одамлар орасида эканлигимдан жуда хурсандман. Мен бу ажойиб мамлакатни севиб қолдим. Оромгоҳимиздаги шароитдан беҳад мамнунимиз.

Вилоят кўғирчоқ театри жамоаси томонидан Самарқанд ресторанида намоиш этилган спектакл болаларда катта қизиқиш уйғотди.

Самарқандни Шарқ гавҳари дейишлари бежиз эмас экан, - дейди Россия касабаси уюшмалари вакили Сергей Дамбаев. - Бу ерда қадимий меъморий атикалар мурғак қалбларни жуда ҳайратга солди. Бу сафардан катта таассурот олган болалардан кўрганларини суратларга муҳрлаш, тенгдошларига етказиш иштиёқидан аниқдалар. «Афросиёб» тезюзар поез-

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»



Мўътабар масканлар

НУРОТА ЧАШМАСИ - табиат мўъжизаси

Машҳур тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий «Тарихи Бухоро» асарида «Ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди. Нур, Харқонируд, Вардона, Таровча, Сафина ва Исвоналар ўша қишлоқлар жумласидандир», деб ёзган эди. Биринчи бўлиб Нурни қайд этиши унга нисбатан эзгу муҳаббати ифодаси бўлса, ажаб эмас. Чунки Бухоро шаҳри бунёд бўлгандан кейин «Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиёрат учун у ерга борадилар. Бухоро аҳлиси бу ишда кўп муболага қиладилар; Нур зиёратига борган киши ҳаж қилган (кишининг) фазилатига (юксак ижобий хусусиятга) эга бўлади; у зиёратдан қайтиб келганида табаррук жойидан келганлиги сабабли шаҳарни ҳавозабанд қилиб бетадилар. Бу Нурни бошқа вилоятларда Нур Бухоро деб атайдилар».

Нурнинг Бухоро ёғдуси даражасида шарафлиниги сабабига Нурота бекларидан Мирзо Салимбек (1848 - 1930)нинг «Тарихи Салими» асарида ойдлинки киритилган: «Нурота шаҳрида муқаддас чашма бор. У Аллоҳнинг инояти билан ер остидан қайнаб чиқади. Ҳар йили Савр (баҳор ойи) ойда бу ерга тўрт томондан зиёратчилар оқиб келишади. Улар яқин-йироқ ва бошқа диёрлардан таширифт буюришади. Ҳафтанинг пайшанба ва жума кунлари зиёратчи эрқагу аёллар сонини 100000 (юз минг) гача етади» (Тошкент, «Академия» нашриёти, 2009 йил, 106 - 112-бетлар).

Аслида ҳам Нур манзилнинг пайдо бўлиши ва машҳурлиги айнан шу чашмага боғлиқ.

Муаллифи номаълум «Ал-мусаммо ба рисолаи Хазрат Нур ато» рисоласида шундай сатрлар битилган:

Кўрар арш бирла кўқдин нур тўқилур, Ҳаводин барфу борондек чў ёмгур. Ёғар сарчашмасинг устига доим, У ерга нур ато қилди Худодийм.

«Кўрар арш бирла кўқдин нур тўқилур» мисрасига ишонмоқ ёки инкор этмоқ ҳар бир инсоннинг тасавури ва тафаккурига ҳавола эса-да, хулоса чиқаришга шошилмаслик, сирли-синоатли жиҳатлар ҳақида билмай туриб сўз юритгандан кўра, жим турмоқ фойдалидир.

2004 йилнинг 24 майдан 1 июнига қадар гаройиб ҳодиса рўй берди. Ушанда нуроталиклар ва минглаб зиёратчилар эрталаб соат еттилардан то тўққизларгача чашма устига қўқдан нур ёғилганини бевосита кузатдилар. Айни ҳолат тасвирга олиниб, телеканаллар орқали эфирга узатилди. Бу ишларда ўзим ҳам қатнашганман. Содир бўлган воқеа қандай таассурот қолдиргани ва қандай фикр уйғотганидан қатъи назар, тафаккур аҳли учун «нур» ҳақиқати вақти-вақти билан такрорланиб туришининг ойдин намоиши, улўғвор муқаддаслик таъкиди эди.


Нурота чашмаси ва сувига дин ва фан нуқтаи назаридан қарашлар замонлар оша давом этиб келаётир. Улар бир-бирини тўлдирди, нотўғри хулоса уйғотмайди, аксинча, тиниқ ва холис фикрлашга қорлайди. Куйидаги қайд ва далиллар фикримизга далил бўла олади.

Хуштаъм, ҳидсиз, рангсиз ва юмшоқ бу сув денгиз сатҳидан 524 метр баландликдан, Оқтоғ қаъридан оқиб келиб, Нур чашмасидан ҳар сонияда 380-400 литр микдорда отилиб чиқади. 1912 йили рус олимлари А.Димо ва Николаев, кейинчалик Н.Кенесарин чашма сувини ўрғаниш мақсадида илмий изланишлар олиб бориб, унинг таркибида хлор, сульфат, калий, магний, кальций, кремний, карбонат, натрий каби шифобахш минераллар борлигини аниқлашган. Ўзбек олими, академик К.Зокиров ҳам талай тадқиқотлар ўтказиб, бу хулосаларни бойитган.

Масаланинг одамларда турлича фикр уйғотадиган яна бир жиҳати бор. Чашманинг зилол суви таркибида ҳовузда беҳадки сузиб юрган балкилар учун озуқа ҳам бор экан. Улар ҳеч қандай қўшимчасиз ҳам бу сувдан эҳтиёжларига яраша озикланар экан. Шу ўринда беихтиёр юқорида келтирилган туртликда тилга олинган илоҳий қудрат ёдингизга тушади. Мухими, бу чашма суви азалдан шифобахш саналади. Таркибида кумуш ва хлор кўплиги боис қайнатмасдан ичилса, баъзи касалликларга даво бўлади.

XX аср нихоясида Нурота воҳасида жиддий тадқиқотлар олиб борган этнограф Александр Шеньяков Бешпанжа кудуғига эътиқод қилиш аниқлиги антик даврларда пайдо бўлганини, кейинчалик бу эътиқод мусулмон давлатчилари томонидан трансформация қилинган ва ўзлаштирилган бўлиши мумкинлигини баён этган. Ҳозир ҳам Бешпанжа суви руҳий хасталикларни ва қутурган ит тишлаганларни даволаш воситаси деб таърифланади.

Суюндик Мустафо НУРОТОЙ



«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-99) 889-98-02, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A. Haydarov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti - 19:00, Topshirildi - 19:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manzili: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 129 ta

Shundan: 7 394 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 249 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

8 486 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-611

1 2 3 4 5 6

Эҳтиёт - шарт!

Одамлар ҳаётида муҳим ўрин тутадиган газ ва электр энергиясидан фойдаланишнинг ўзига хос қондалари бор. Уларга рия қилмаслик, эътиборсизлик ва бепарволик фалокат келтириши мумкин.

ТИЛСИЗ ЁВДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАНАМИЗ?

Масалан, ёш болали оилада гуруртни уларнинг қўли етмайди-ган жойга қўйишдек оддийгина иш ҳар доим ҳам диққат-эҳтиборимизда бўлавермайди. Бу ёнғин хавфининг энг оддий сабаби бўлса-да, оқибати яхши бўлмастлиги аниқ.

Кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғин ҳодисалари сабабларини таҳлил қилсак, кўплаб ҳолларда бундай офатлар ёнғин хавфсизлиги қондаларига рия эмаслик оқибатида юзга келатганининг гувоҳи бўламиз. Газ плитасининг носозлиги, электр симларининг очилиб қолиши, тез ёнувчи нарсаларни иситиш воситалари ва олов яқинида бўлишига йўл қўйилиши, сигарета қолдигини тўлиқ ўчирмаслик қабилар шулар жумласидандир. Оқибатда айримлар бошпанасиз қолмоқда, баъзилар эса яқинларидан айрилипти.

Шундай экан, газ ва электр анжомларини соҳибдорларда сақлаш, вақти-вақти билан уларнинг ҳолатини текшириб туриш, ёш болаларни қаровсиз қолдирмаслик ва бошқа ёнғин хавфсизлиги қондаларига ҳақиқатан ҳам қўйиш зарур. Ана шунда кўплаб нохуш ҳодисаларнинг олдини олган, йиллаб йикқан мол-мулкимиз ва яқин кишиларимизни тилсиз ёв ҳужумидан ҳимоя қилган бўламиз.

Мўмин РИСИБЕКОВ, кичик сержант,

Миржаҳон ПЎЛАТОВ, кичик сержант